

Фикҳ дарслари (87-дарс). Энг машҳур китоб «Ниқоя Мухтасари Виқоя»



13:32 / 28.05.2020 6301

«Мухтасари Виқоя» китоби Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя»ларига боғлиқ китобдир. Бу китобнинг тўлиқ номи, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, «Ниқоя Мухтасари Виқоя»дир.

Лекин аҳли илм ва халқ орасида у «Мухтасари Виқоя» номи ила машҳурдир.

«Мухтасари Виқоя» Ҳанафий мазҳабидаги энг машҳур китоблардан бири ҳисобланади. Чунки у бу мазҳабдаги асосий эътиқодга сазовор бўлган тўрт матндан бири бўлмиш «Виқоя» китобининг қисқартирилган шаклидир. Уламолар ва толиби илмлар бу китобни қадимдан эъзозлаб келадилар.

«Мухтасари Виқоя»га кўзга кўринган алломалар шарҳлар ёзганлар. Улардан баъзиларини эслаб ўтамиз.

1. «Камолуд-дироя фий шарҳин-Ниқоя».

Бу шарҳнинг муаллифи ҳижрий 872-санада вафот топган Шайх Тақийюддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шаманийдир.

2. Шайх Зайнуддин Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ибн Айний Ҳанафий шарҳи.

3. Абдулвожид ибн Муҳаммад шарҳи.

4. Алоуддин Али ибн Муҳаммад Мусаннифук шарҳи.

5. Қосим ибн Қутлуғбуға Ҳанафий шарҳи.

6. Илёс Румий шарҳи.

7. Шамсуддин Муҳаммад Хуросоний Қўҳистоний шарҳи. «Жомеъур румуз» деб номланади.

8. Абул Макорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад шарҳи.

9. Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий шарҳи.

10. Мавлоно Нуриддин Али ибн Султон Қори Ҳаравий шарҳи.

Мулло Али Қори раҳматуллоҳи алайҳининг «Мухтасари Виқоя»га қилган катта шарҳлари «Фатҳу бобил иноя би шарҳи китобин-Ниқоя» деб номланади. Кейинроқ бу китобни қисқартириб «Ихтисори ривоя ала Мухтасари Виқоя» деб атаганлар.

Биз «Мухтасари Виқоя»да келган масалаларни ҳозирги кунимиз тили, услуби ва руҳида тақдим қилишга ҳаракат қилдик.

Ҳозирги кунимизда эҳтиёж тушмайдиган, тушуниш қийин бўлган баъзи матн ва фаслларни қолдириб ҳам кетдик.

Шу билан бирга, бугунги кун тақозоси ила, фуқоҳоларимиз ҳар бир масалани қайси оят, ҳадис ва бошқа шаръий масдарлардан олганларини қисқача баён қилдик.

Яна мусулмонларга керак бўлган, янги пайдо бўлган бошқа маълумотларни ҳам замонавий китоблардан фойдаланган ҳолда келтиришга ҳаракат

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Шариати ғарро(соф шариат)нинг байроқларини баланд қилган ва унинг аслини собит ва шохларини осмон баробар дарахт қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

У Зотнинг Расули, пайғамбар ва анбиёларнинг афзали Муҳаммадга ва у кишининг иқтидою эҳтидо юлдузлари бўлмиш аҳллари ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин!

Аммо баъду: Аллоҳ таолога энг қувватли восита ила ўтинувчи банда Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шарийъа – унинг насибаси улуғ ва сайъи нажотли бўлсин – айтадики:

«Бобом ва мавлом, олими роббоний, омили сомадоний, шариат, ҳақ ва диннинг бурҳони, анбиё ва мурсалинлар вориси Маҳмуд ибн Содруш-шарийъа – Аллоҳ таоло мен ва барча мусулмонлар номидан (қилган хизматлари учун) у кишига яхши мукофотлар берсин – менинг ёд олишим учун «Виқоятур-ривоя фи масоили Ҳидоя»ни таълиф қилдилар.

Бу китобнинг лафзлари қисқа ва маънолари кўп бўлганлигидан унга ўхшаш китоб ила замоннинг кўзи сурмаланмагандир.

Лекин кўпчилик аҳли замоннинг ҳиммати уни ёд олишга қисқалик қилиб қолди. Бас, ундан энг керак нарсаларни ичига олувчи ушбу «Мухтасар»ни туздим.

Ким «Ҳидоя»нинг масалаларини ёдда сақлашни яхши кўрса, «Виқоя»ни ёд олсин. Кимнинг вақти шошириб қўйса, иноят жиловини ушбу «Мухтасар»га бурсин.

Албатта, У Зотнинг Ўзи ҳидоят эгасидир.

«Кифоя» китобидан